

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОҲИРОВ ҚУДРАТЖОН РАФИҚОВИЧ

ҚЎЛ ҲАРАКАТЛАРИ БИОСИГНАЛЛАРИНИ ТАСНИФЛАШНИНГ
АЛГОРИТМЛАРИ ВА АППАРАТ-ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Зоҳиров Қудратжон Рафиқович

Қўл ҳаракатлари биосигналларини таснифлашнинг алгоритмлари ва
аппарат-дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш..... 3

Зоҳиров Қудратжон Рафиқович

Разработка алгоритмов и аппаратно-программного комплекса
классификации биосигналов движений руки..... 21

Zohirov Kudratjon Rafikovich

Development of algorithms and hardware – software complex for the
classification of biosignals of hand movements..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОҲИРОВ ҚУДРАТЖОН РАФИҚОВИЧ

ҚЎЛ ҲАРАКАТЛАРИ БИОСИГНАЛЛАРИНИ ТАСНИФЛАШНИНГ
АЛГОРИТМЛАРИ ВА АППАРАТ-ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/T2375 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Турғунов Адилбек Мухтарович**
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Зайнидинов Ҳакимжон Насиридинович**
техника фанлари доктори, профессор

Рахматов Фурқат Абдираззоқович
техника фанлари номзоди


Етакчи ташкилот: **Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**


Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» октябрь да соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).


Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2270 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» октябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «04» октябрь даги 30 рақамли реестр баённомаси).




Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлар доктори, профессор


Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлар доктори, доцент


М.А.Рахматуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, техника фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда, сўнги йилларда тиббий сигналларга рақамли ишлов бериш алгоритмларини такомиллаштириш, сигнал параметрлари асосида таснифлаш ва уларни амалга оширишга мўлжалланган аппарат-дастурий воситаларни ишлаб чиқишга бағишланган илмий ишлар салмоғи ўсиб бормоқда. Бунга асосий сабаблар сифатида, ҳаракат функцияси бузилган беморларни реабилитация қилишда инсон танасидаги биосигналлардан фойдаланишдир. Биосигналларга асосланган реабилитация қилиш усуллари ва қурилмалари реал вақт режимида беморларнинг ҳолатини айна шу пайтда юқори аниқликда таҳлил қилишга имкон беради. Ушбу йўналишнинг муҳим даражадаги вазифаларидан бири – бу реал вақт режимида биосигналларга ишлов бериш, сигналдан керакли параметрларни ажратиб олиш, таснифлаш ва натижаларни қурилмаларга интеграция қилиш. Шу боис, ривожланган мамлакатларда ушбу соҳада янги усуллар, алгоритмлар, қурилмалар яратиш илгарилаб кетмоқда, жумладан, ҳаракатларни таснифлаш орқали инсон ҳаракат тизимини реабилитациялаш соҳасида Италия, Швеция, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Хитой, Португалия, Россия Федерацияси каби давлатларда жуда катта ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда инсонларнинг ҳаракат тизимларини реабилитация қилиш, бунинг учун сифатли замонавий реабилитацион қурилмаларни ишлаб чиқиш ва шу орқали ампутант ёки ногиронлиги мавжуд беморлар ёки ҳаракат функцияси қисман ёки тўлиқ бузилган инсонларни одатий ҳаётга қайтаришга ёрдам бериш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Электромиография сигналлари асосида ҳаракатларни таснифлаш орқали ампутантларнинг ҳаракат аъзоларини ўрнини босадиган миобошқарувли протезларни яратиш имкониятини ҳам беради. Демак, электромиография сигналини қайта ишлаш ва инсон ҳаракат функциясини баҳолаш, электромиография сигналининг актив потенциал чегарасини аниқлаш алгоритминини, реал вақт режимида электромиография сигналининг ўқув танланмасини автоматик ташкил этиш алгоритминини, қўл ҳаракатларини машинали ўқитиш усуллари асосида реал вақт режимида таснифлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва шуларга асосланган аппарат-дастурий воситаларни ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий, долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамызда ахборот-коммуникация технологиялари, биосигналларни рақамли ишлаш воситаларини яратиш, қўл ҳаракатларини таснифлаш воситаларни такомиллаштириш асосида реабилитация қилиш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки

бўғинини, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» вазифалари белгиланган¹. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, хусусан реабилитация соҳасида замонавий усул ва аппарат-дастурий воситаларни қўллаган ҳолда ногиронлиги мавжуд беморларнинг реабилитация қилиш воситалари асосида даволаш давомийлигини камайтириш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3894-сон «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги ЎРҚ-641-сонли Қонунида келтирилган ампутант бўлган кишиларнинг қўл-оёқларининг ёки танасининг бошқа қисмларининг ўрнини босиш учун мўлжалланган, организмнинг бузилган ёки йўқолган функцияларини компенсация қилувчи мосламаларни ёки реабилитация қилишда ёрдамчи воситаларни ишлаб чиқиш орқали уларни жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш каби вазифалари амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. ЭМГ сигналлари асосида қўл ҳаракатларини таснифлаш, аппарат-дастурий мажмуаларини, маълумотлар тўпламларини ишлаб чиқиш, сигнал параметрларини таҳлил қилиш, сигнал маълумотларини таҳлил қилиш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга қўллаш бўйича дунёда А.Phinyomark, D.Farina, H.Zhang, J.Taylor, M.Ferrari, M.Oskoei, P.Phukupattaranont, R.Khushaba, B.Hudgins, H.Silva, G.Tsenov, A.Gydikov, O.C.Сушкова, Д.А.Краснобаев, Д.Р.Сафин, Г.В.Дмитров, Д.А.Аббасова каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Республикада маълумотларга интеллектуал ишлов бериш соҳасининг таниб олиш алгоритмлари йўналишида М.М.Камилов, хусусиятларни аниқлаш ва танлаш алгоритмлари йўналишида Ш.Х.Фозилов, нутқ сигналларини таниб олиш йўналишида М.М.Мусаев, тиббий сигналлар ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тасвирларга ишлов бериш йўналишида Х.Н.Зайнидинов каби олимлар илмий тадқиқот олиб бориб, ушбу йўналишнинг ривожини учун ўз хиссаларини қўшиб келишмоқда.

Адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида электромиография сигналлари асосида қўл ҳаракатларини реал вақт режимида таснифлаш алгоритмлари, таснифлашда юқори аниқликни таъминловчи сигнал параметрларини аниқлаш, аппарат-дастурий мажмуа ишлаб чиқиш ҳамда ҳаракат функцияси бузилган беморларни реабилитациясида қўллаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Erasmus+ доирасида бажарилган 561621-EPP-1-2015-1-IT-EPPKA2-SBHE-JP «Тиббиётда реабилитация» (2016-2018) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электромиография сигнали асосида қўл ҳаракатларини машинали ўқитиш усуллари ёрдамида таснифлаш алгоритмлари ва аппарат-дастурий мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд биосигналларни, уларнинг бошқа сигналлардан асосий фарқларини, қайд қилиш қурилмаларини, ишлов бериш алгоритмларини ва машинали ўқитиш алгоритмлари асосида таснифлаш усулларини таҳлил қилиш;

электромиография сигналининг фаол потенциал қисмини аниқловчи алгоритм ишлаб чиқиш ҳамда қўл ҳаракатларини таснифлашда юқори аниқлик берувчи параметрларни аниқлаш;

электромиография сигналларини таснифлаш учун фойдаланиладиган сигналнинг ўқув танламасини ҳосил қилувчи алгоритм ишлаб чиқиш;

реал вақт режимида машинали ўқитиш усуллари асосида қўл ҳаракатларини таснифлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

қўл ҳаракати биосигналларини таснифловчи аппарат-дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш, функционал лойиҳалаш, протез ўртасида маълумот алмашилиш алгоритминини ишлаб чиқиш ва интеграция масаласини ечиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли инсонлардан ёзиб олинган электромиография сигналлари ва улардан ҳосил қилинган параметрлар тўпламлари, машинали ўқитиш алгоритмларини ўқитиш жараёни қаралган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида электромиография сигналларининг ўқув танланмасини шакллантириш усуллари, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш усуллари ва алгоритмлари, электромиография сигналларини қайд қилувчи қурилмалар, қўл ҳаракатларини таснифловчи аппарат-дастурий воситаси технологиялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари сигналларга рақамли ишлов бериш усуллари, статистик таҳлил усуллари, маълумотларга ишлов беришнинг интеллектуал усуллари, сигнал параметрларини ажратиб олиш усуллари, ҳамда дастурлаш технологиялари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

сигналнинг ўртача оғишини ҳисобга олган ҳолда реал вақт режимида электромиография сигналининг фаол потенциал чегарасини аниқловчи алгоритм ишлаб чиқилган;

таркибида AD8232 аналог-рақамли ўзгартириш қурилмаси мавжуд бўлган бир каналли Биталино қурилмаси асосида электромиография сигналларининг реал вақт режимида ўқув танламасини автоматик шакллантирувчи алгоритм ишлаб чиқилган;

электромиография сигналининг муҳим параметрлари асосида қўлнинг бирор предметга таъсир қилувчи ҳаракатларини реал вақт режимида машинали ўқитиш усуллари ёрдамида таснифлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

қўл ҳаракатларини таниш учун электромиография сигналларга асосланган аппарат-дастурий мажмуасининг функционал модуллари ва протез ўртасида маълумот алмашилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

қўл ҳаракатлари биосигналларини таснифловчи аппарат-дастурий таъминотининг функционал тузилмаси лойиҳаланган;

қўл ҳаракатларини таснифлаш жараёнини амалга ошириш мақсадида сигналнинг ўқув танланмаси шакллантирилган;

электромиография сигнали асосида қўл ҳаракатларини таснифлашнинг реал вақт режимида ишлаш алгоритми таклиф этилган ва дастур ишлаб чиқилган;

реал вақт режимида қўл ҳаракатларини таснифлаш дастури ампутант ва ногиронларни реабилитация қилиш мақсадида тадбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ЭМГ сигналинини қайта ишлаш кетма-кетлиги, ЭМГ сигналнинг фаол потенциал чегарасини аниқлаш усуллари, ЭМГ сигналининг ўқув танланмаларини ташкил этиш қоидалари, қўл ҳаракатларини таснифлашда фойдаланилган кирувчи параметрларнинг математик аппарати, олинган натижаларни қурилмада тестлаш натижалари билан солиштирилганлиги ҳамда ўтказилган тажрибалар орқали асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электромиография сигнали асосида қўл ҳаракатларини таниб олиш ёрдамида Ўзбекистонда миоэлектрик протезларни тадбиқ этиш масалалари назарий асосларининг истиқболли ривожланишида ишлаб чиқилган усул ва алгоритмларнинг ҳисса қўшиши билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар асосида таянч-ҳаракат аъзоларида муаммоси бор беморларни реабилитация қилиш жараёнида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Реал вақт режимида электромиография сигналига асосланган қўл ҳаракатларини таснифлаш муаммосини ҳал қилиш билан боғлиқ илмий натижаларга асосланиб:

реал вақт режимида электромиография сигнали асосида қўлнинг бирор предметга таъсир этувчи асосий ҳаракатларини таснифлаш бўйича яратилган аппарат - дастурий мажмуа Қашқадарё вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида жорий қилинди (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 29 июл 33-8/5407-сонли ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 27 август 09-01-12/437-сонли маълумотномалари). Илмий тадқиқот натижаси тиббиёт муассасаларининг SCI (spinal cord injury, орқа мия шикастланиши) касаллигига чалинган (C5-C8 даражалари) беморларида синаб кўрилди, беморлар устида ўтказилган тажрибалар натижасида касалланган қўлнинг ҳаракатлари сонини 3 баробаргача ошириш орқали физиотерапия усулининг кўпфункционаллигига эришилди ва беморнинг реабилитация қилиш муддатини тахминан 2-3 мартагача камайтириш имконини берган;

машинали ўқитиш алгоритмлари асосида электромиография сигнали ёрдамида ҳаракатларни таснифлаш бўйича яратилган дастурий модуллар Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий – амалий тиббиёт марказида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 29 июл 33-8/5407-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси тиббиёт муассасаларининг SCI (spinal cord injury, орқа мия шикастланиши) касаллигига чалинган (C5-C8 даражалари) беморларда олиб бориладиган реабилитация усули шахсан физиотерапевт иштирокида ва унинг қўл ҳаракатлари асосида олиб борилди шунинг учун беморлар устида ўтказилган тажрибалар натижасида касалланган қўлнинг ҳаракатлари сонини 2-3 мартагача ошириш имкониятини яратилди ва беморнинг реабилитация қилиш муддатини тахминан 2-3 мартагача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 6 та халқаро ва 10 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 1 та чет эл ва 7 та Республика журналларида нашр этилган, шунингдек 2 та ЭҲМ учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлик даражаси асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакиллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишига мослиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги асослаб берилган, олинган натижалар назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши рўйхати, ишни синаш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Биосигналларга ишлов берувчи замонавий аппарат-дастурий воситалар ва усуллар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида биосигналларнинг турлари, табиати, характеристикалари, инсоннинг нейро-мушак тизимининг тузилиши, биосигналларни қайд қилишда замонавий қурилмаларнинг таҳлили, электромиография сигнаolini таснифлашда фойдаланиладиган алгоритмлар таҳлили масалалари кўрилган.

Мушакларнинг электр потенциални ўлчайдиган сигнал электромиография (ЭМГ) сигналидир. Ҳаракатнинг мушакларга алоқасини тўғри аниқлаган ҳолда сигнални қайд қилинса, сигнал маълумотлари ортиб кетиши ва натижада ҳисобланиш жараёнларини қийинлашувининг олдини олган бўламиз.

1-жадвал.

Билак мушаклари ва қўл ҳаракатлари боғлиқлиги

	Тирсак: букиш	Кафт ҳаракати: (кафтни 180 градусага буриш)	Қўл билаги: Кафтни олдинга букиш	Қўл билаги: кафтни орқага букиш	Кафт ҳаракати: қўлни мушт қилиш	Кафт ҳаракати: 1-2-3 бармоқлар билан ушлаш	2-5 бармоқларни 2-суяқдан букиш ҳаракати	2-5 бармоқларни орқага эгиш	Кафт ҳаракати: кафтни ёйиш
flexor carpi radialis	X	X	X		X	X			X
palmaris longus	X	X	X						
pronator teres	X	X							
flexor digitorum superficial			X				X		
flex carpi ulnaris			X	X					
Flexor pollicis longus								X	

Қўл ҳаракатларини асосан билак мушаклари вужудга келишини билган ҳолда, билак мушаклари ёки уларнинг комбинацияси қўл ҳаракатларига боғлиқлик жадвалини ҳосил қилишимизни тақозо этади. Бу биринчидан,

ампутант максимал қайси ҳаракатларни қила олишини ва ЭМГ сигнални қайд қилиш учун электродларни керакли мушакка жойлаштириш каби муҳим омилларни тўғри бажаришимизга боғлиқ бўлади. Инсон билагида ҳаракатни таъминловчи олти асосий мушаклар мавжуд. Улар баъзи ҳаракатларда якка ўзи иштирок этса, баъзи мураккаб ҳаракатларда бир нечта мушаклар комбинацияси иштирок этади (1-жадвал).

Диссертациянинг «Электромиография сигналлари ёрдамида қўл ҳаракатларини таснифлаш усуллари» деб номланган иккинчи бобида ЭМГ сигналларини таснифлашда сигнал параметрларидан таҳлил қилиш ва танлаш, электромиография сигналининг фаол потенциал чегарасини аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқилган. ЭМГ сигналини таснифлашда машинали ўқитиш алгоритмлари каби масалалар ва олинган натижалар келтирилган.


ЭМГ сигналини таснифлашнинг умумий процедураси қуйида келтирилган: маълумотларни йиғиш, маълумотларга дастлабки ишлов бериш, параметрларга ажратиш, параметрларни танлаш ва ёки қисқартириш, таснифлаш моделини танлаш, таснифлагични ўқитиш ва баҳолаш. Тадқиқотда, ЭМГ сигналларининг параметрлари таҳлили амалга оширилган бўлиб, вақт соҳаси (ВС), частота (ЧС) ҳамда вақт-частота соҳа (ВЧС) параметрларини таҳлил қилиш орқали аниқлик ва тезкорликни таъминлайдиган 9 та параметрлар ажратиб олинди.

2-жадвал.

ЭМГ сигналининг энергиясини тавсифловчи вақт соҳасидаги параметрлари

ЭМГ сигнал параметрлари	Математик ифодаси
Ўртача абсолют қиймат	$MAV = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N x_i $
Тўлқин узунлиги	$WL = \sum_{i=1}^N (x_i - x_{i-1})$
Ўртача амплитуда ўзгариши	$ACC = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^{N-1} x_{i+1} - x_i $
Бирлашган ЭМГ	$IEMG = \sum_{i=1}^N x_i $
Сигнал энергияси	$SSI = \sum_{i=1}^N x_i ^2$
Нолдан кесиб ўтувчилар сони	$ZC = \sum_{i=0}^{N-1} f(x_i * x_{i+1}),$ $f(x) = \{1 \text{ иф } x \geq \kappa; 0 \text{ акс ҳолда}\}$
Ўртача квадратик илдиз	$RMS = \sqrt{\frac{1}{N} \sum_{i=0}^N x_i^2}$
Логарифмик детектор	$\log D = e^{\frac{1}{N} \sum_{i=1}^N \log(x_i)}$
Вилсон амплитудаси	$WAMP = \sum_{i=1}^{N-1} f(x_{i+1} - x_i)$ $f(x) = \{1 \text{ иф } x > \epsilon; 0 \text{ акс ҳолда}\}$

Берилган сигнал параметрлари сигнал энергиясини тадқиқ этувчи вақт соҳасидаги параметрлар ҳисобланади (2-жадвал). Берилган параметрларни ҳисоблаш мушакларнинг қисқариш вақтидаги сигнал соҳасидан ажратиб олиш муҳим саналади. Мушакларнинг фаол чегарасини аниқлашнинг бир усули визуал текширишдир. Визуал текширув аниқ бўлиши мумкин, аммо мураккабдир, шу билан бирга реал вақт режимида бу усулнинг самарадорлиги камлиги боис автоматик фаол потенциалларни аниқловчи бир нечта алгоритмлар ишлаб чиқилган.



1-расм. ЭМГ сигналнинг фаол соҳасини аниқлаш алгоритм блок схемаси

3-жадвал.

ЭМГ сигналини турли алгоритмлар орқали фаол чегарасини аниқлаш алгоритмларининг қиёсий таҳлили


Алгоритм	Ўртача квадратик четланиш	Ўртача дисперсия	Жорий сигнал тартиби
Ягона чегара алгоритми	3,1%	32.2	98
Икки чегарали алгоритми	2,56%	22.6	156
Таклиф этилаётган алгоритм	1,54%	18.9	352
ТКЕО алгоритми	2,02%	27.5	402
Белгиларни ўзгартириш алгоритми	2,48%	25.8	718
Коми алгоритми	2,95%	32.8	956

Куйида ЭМГ сигналнинг фаол потенциал қисмини автоматик аниқловчи алгоритмлар ва таклиф этилган алгоритмнинг солиштирма таҳлили келтирилган (3-жадвал). Таклиф этилганда Сигналнинг бошланиш нуқтаси (онсет) белгиланган, ЭМГ сигналнинг onset ва ойна узунлиги бўйича дисперцияси, чегара билан дисперциянинг кўпайтмасидан катта бўлгунга қадар цикл бажарилади. Ҳосил бўлган сигнал (f_{signal}) да қийматлар 0 дан 1 га қадар ўзгариши таъминланган соҳа ЭМГ сигналнинг фаоллашув бошланиши пайтини аниқлатса, қийматлар 1 дан 0 га қадар ўзгарган соҳаси ЭМГ сигналнинг фаоллашув тугашини назарда тутди (1-расм).

Таклиф этилаётган алгоритмда ўртача квадратик хатолик 1,54%, ўртача дисперция қиймати 18.9 ни ташкил этди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, реал вақт режимида қўл ҳаракатларини таснифлашда машинали ўқитиш модели бошқа таснифлаш усулларидан кам сонли кирувчи параметрлар орқали юқори таснифлаш натижасини таъминлашда ҳамда қурилмага интеграция масаласини ечиш каби омиллар туфайли устунлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Электрмиография сигналларини машинали ўқитиш асосида қўл ҳаракатларини таснифлаш алгоритминини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида ЭМГ сигналнинг ўқув танланмасини реал вақт режимида ташкил этиш алгоритми ва реал вақт режимида қўл ҳаракатини таснифлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.



2-расм. Фойдаланилган қўл ҳаракатлари.


Таснифлаш моделини ўқитиш учун ишлатиладиган ўқув танланма ташкил этилган. Ўқув танланмада 42 та инсоннинг қўлларидан 7 та ҳаракат учун ёзиб олинган сигналлардан ташкил этилди. Қўл ҳаракатларини таснифлашда фойдаланилган қўл ҳаракатлари 2-расмда келтирилган.

Тадқиқотлар давомида реал вақт режимида ЭМГ сигналнинг ўқув танланмасини ташкил этувчи алгоритм ишлаб чиқилди (3-расм).

Тадқиқотда ЭМГ сигнални таснифлаш масаласини ечишда машинали ўқитиш усулларидан, яъни RF (random forest, тасодикий ўрмон), SVM (support vector machine, қўллаб-қувватловчи векторли машина) и k-NN (k-nearest neighbors, k - энг яқин қўшнилар) лардан фойдаланилди. Ушбу алгоритмлар кам сонли кирувчи сигнал параметрлари орқали қўл

ҳаракатлари натижасида ҳосил бўладиган сигналларни юқори аниқликда таснифлашни тақдим этиб, миобошқарув тизимларида фойдаланилганда кам вақт сарфини таъминлайди ва қурилмалар билан интеграциялашуви ўта мослашувчан ҳисобланади.

Қўл ҳаракатларини таснифлашнинг аппарат-дастурий таъминотида асосий меъзон жавоб бериш вақти (response time) ҳисобланади.



3-расм. Реал вақт режимида ЭМГ сигналнинг ўқув танланмасини ҳосил қилиш алгоритми блок схемаси

Жавоб бериш вақти иккита омил билан баҳоланади: сигнал маълумотларини йиғиш вақти (data collection time), маълумотларни таҳлил қилиш вақти (data analysis time). Маълумотларни йиғиш вақти сигнални қайд қилиш ва унга дастлабки ишлов бериш жараёнларига кетган вақтни характерлайди, маълумотларни таҳлил қилиш вақти эса сигналнинг параметрларини ҳисоблаш ва таснифлашга кетадиган вақт сарфини ҳисоблайди. Жавоб бериш вақтини минималлаштириш учун ҳозирда икки хил усул мавжуд: параллел алгоритмлар асосида вақтни камайтириш, параметрлар муҳандислиги (features engineering) усули ёрдамида вақтни оптималлаштириш. Параллел алгоритмлар асосан аппарат таъминотининг


ички имкониятларининг даражасидан келиб чиқиб ишлатилади. Иккинчи усулда (features enjineering) эса сигнал параметрларининг натижага максимал таъсир этишига қараб амалга оширилади. Қўл ҳаракатларини таснифлашнинг аниқлиги бир нечта метрик кўрсаткичлар асосида самарадорлиги баҳоланади. Шулардан энг асосийси таснифлаш аниқлиги ҳисобланади, у қуйидагича ҳисобланади:

$$Аниқлик_{тизим} = \frac{\sum_{i=1}^u \sum_{j,k=1}^g n_{i,j,k}}{\sum_{i=1}^u \sum_{j=1}^g \sum_{k=1}^g n_{i,j,k}}$$

Ҳар бир фойдаланувчининг аниқлилик кўрсаткичи эса қуйидагича ҳисобланади:

$$Аниқлик_{фойдаланувчи(i)} = \frac{\sum_{j,k=1}^g n_{i,j,k}}{\sum_{j=1}^g \sum_{k=1}^g n_{i,j,k}}$$

бу ерда $n_{i,j,k}$ - i фойдаланувчиси томонидан қилинган қўл ҳаракатлари сони, модель j деб синфлаган, аммо аслида k бўлган, $i \in I = i_1, i_2, \dots, i_u$ тестланган фойдаланувчилар тўплами, $j \in J = j_1, j_2, \dots, j_u$ - башорат қилинган синфлар тўплами, $k \in K = k_1, k_2, \dots, k_u$ - ҳақиқий синфлар тўплами, u - тармоқда тестланган уринишлар сони ва g - синф номери.




4-расм. ЭМГ сигнални таснифлаш аниқлигининг турли соҳалардаги натижалари (а) ҳамда ЭМГ сигнални таснифлашдаги вақт сарфи баҳоланиши (б)

Ушбу ҳаракатда сигналнинг учта соҳасидаги параметрлари бўйича эришилган ўртача аниқлилик кўрсаткичлари ВС учун 98%, ЧС учун 92% ва ВЧС учун эса 97 фоиз бўлди. Умумий равишда эса ушбу уч соҳа тўпламлари ВС – 95%, ЧС – 91%, ВЧС – 93% аниқликка эришилди (4 (а)-расм).


Тажрибалар шуни кўрсатдики, ЭМГ сигналнинг вақт соҳаси параметрлари вақт сарфи камлиги бўйича самарали натижа кўрсатди (4 (б) - расм). Тадқиқотда кам сонли сенсорлардан фойдаланган ҳолда кўп сонли қўл ҳаракатларини таснифлаш ҳамда таснифлаш аниқлиги ва реакция вақти эътиборга олинган. Бунда ДСТ (data collection time) ва ДАТ (data analysis

time) қийматлари имкон қадар минималлаштирилган. Реал вақт режимида таснифлаш аниқлиги бошқа тадқиқот натижаларидан юқорироқ. Қурилмада тестлаш ўрнатилган тизимлар (Embedded System) да олиб борилган.

Келтирилган диаграммада олиб борилган тадқиқотларни бошқа илмий натижалар билан солиштирилганлиги келтирилган (5-расм).




5-расм. Олиб борилган тадқиқотнинг солиштирма графиги




6 - расм. Реал вақт режимида қўл ҳаракатларини таснифлаш алгоритм блок схемаси

Реал вақт режимида қўл ҳаракатларини таснифлаш алгоритми дастлабки ишлов берилган сигналнинг актив соҳасини аниқлаш, актив соҳадан параметрларни ажратиш, таснифлаш модели орқали ҳаракатларни таниш ва таниш натижаларини буйруқ ҳолатига ўтказиш ва амалга ошириш босқичларидан иборат (6-расм).

Диссертациянинг «ЭМГ сигнали асосида қўл ҳаракатларини танишнинг аппарат-дастурий мажмуаси ва амалиётга тадбиқи» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган ЭМГ сигналлари асосида қўл ҳаракатларини танишнинг аппарат-дастурий мажмуасининг имкониятлари, модуллари, маълумот алмашининг алгоритми ҳамда амалиёт тадбиқи бағишланган. Аппарат-дастурий мажмуасининг структураси қуйида келтирилган (7 -расм).




7-расм. ЭМГ сигнали асосида қўл ҳаракатларини танишнинг аппарат-дастурий мажмуасининг умумий структураси



8-расм. Аппарат-дастурий мажмуанинг функционал модуллари

Ушбу мажмуа ЭМГ сигналини қайд қилиш модули, сигналга дастлабки ишлов бериш модули, сигнал параметрларини олиш модули, ҳаракатни таснифлаш модули, қурилмада тестлаш модулларидан иборат (8-расм).



9-расм. Миоэлектрик протез ва инсон ўртасидаги маълумот алмашиниш алгоритм блок схемаси

Протез ва инсон ўртасидаги маълумот алмашинишни ташкил этишда асосий маълумотлар сифатида ЭМГ сигнали, сигналдан олинган параметрлар қийматлари, параметрларнинг қийматларига мос ҳаракат буйруқлари ва ҳаракат буйруларини ҳосил қилувчи сервомотор ўзгарувчилари олинади (9-расм).

ХУЛОСА

“Биосигналларга асосида қўл ҳаракатини таснифлаш алгоритмлари, аппарат-дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. ЭМГ сигналини қайд қилишда, ўрганилаётган соҳа (тана аъзоси, масалан биллак) анатомиясини ўрганиш, ундаги мавжуд мушаклар қайси ҳаракатларни бажара олиши мумкинлиги аниқланди. ЭМГ сигнални қайд этиш қурилмаси сифатида ВITalino қурилмаси тизими танланди. Чунки, ушбу қурилма бошқа ЭМГ сигнал қайд қилувчи қурилмалардан ўлчов частотасининг кўп танловлиги билан ажралиб туради. Қурилманинг сигналга сезгирлиги ва шовқинга бардошлилиги каби параметрлари билан ҳар жиҳатдан тадқиқотимиз учун мос келади.

2. Сигналга дастлабки ишлов бериш процедурасида илмий тадқиқотлардаги натижаларга таянган ҳолда кетма-кет ойнада ишлов бериш маъқул топилди ва унинг ўлчами 200мс танлаб олинди. ЭМГ сигналлари асосидаги таснифлаш масаласида тезкорлик ва кечикиш вақти кичик бўлиши муҳим омиллар бўлганлиги сабабли машинали ўқитиш усуллари асосида таснифлаш алгоритмлари ишлаб чиқиш тадқиқот учун мос келиши аниқланди. Ушбу усуллар миобошқарув тизимларида фойдаланилганда кам вақт сарфини таъминлайди ва қурилмалар билан интеграциялашуви ўта мослашувчан ҳисобланади.

3. ЭМГ сигнални реал вақт режимида фаол потенциал чегарасини аниқлаш учун алгоритм ишлаб чиқилди. Таклиф этилаётган алгоритмда ўртача хатолик 1.54%, ўртача оғиш қиймати 18.9 ни ташкил этди.

4. Таснифлаш алгоритмига кирувчи сигнал параметрлари содда ва осон ҳисобланишни таъминлаши керак. ЭМГ сигналнинг энегиясини таъминловчи вақт соҳасининг 9 та параметрлари ҳисобланиши ва кўриниши соддалиги билан юқоридаги муаммони ҳал қилади.

5. ЭМГ сигнали асосида қўл ҳаракатларини таниб олиш самарадорлиги кўп жиҳатдан қурилган ЭМГ ўқув танланманинг ҳажми ва сифатига боғлиқ. Ушбу муаммони ҳал этиш учун ЭМГ сигналнинг ўқув танланмасини реал вақт режимида автоматик тарзда шакллантирадиган алгоритм ишлаб чиқилди.

6. Қўл ҳаракатлари ва сенсорлар (каналлар) сонининг боғлиқлиги аниқланди. Қўлнинг ҳаракатлари сонига қараб максимал сенсорлар сонининг заруратини кўрсатади. Бир каналли қурилмада 3-4 тагача қўл ҳаракатларини таснифлаш мумкин эканлигини исботлаган ҳолда, 7 та қўл ҳаракатини юқори аниқликда таснифлаш учун 5 та сенсор (канал) дан фойдаланиш етарли.

7. Реал вақт режимида қўл ҳаракатларини таснифлаш алгоритми ишлаб чиқилди. Шунини таъкидлаш керакки, сигналнинг вақт соҳасидаги параметрлари таснифлашда 93% ва 95% натижани берди. Реакция вақти мос равишда 223мс ва 232мс ни ташкил етди.

8. Ишлаб чиқилган алгоритмлар асосида яратилган аппарат-дастурий мажмуасининг функционал тузилиши, умумий архитектураси ва ҳар бир модули ишлаб чиқилган. Мажмуада интеграция ишлаб чиқилган бўлиб, физиологик сигнални электр сигнал кўринишидаги буйруқ шаклигача келтиришда интерфейс ва интеграция қоидалари ва созиламалари амалга оширилди.

9. Ишлаб чиқилган мажмуанинг амалиётда қўлланилиши бўйича орқа мия шикастланиши касаллиги билан оғриган беморларнинг қўл ҳаракатларини реабилитация қилишда янги усул яратилган. Беморлар устида ўтказилган тажрибалар натижасида касалланган қўлнинг ҳаракатлари сонини 3 мартагача ошириш орқали физиотерапия усулининг кўпфункционалликка эришилди ва беморнинг реабилитация қилиш муддатини тахминан 2-3 мартагача камайтириш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

ЗОХИРОВ КУДРАТЖОН РАФИКОВИЧ

**РАЗРАБОТКА АЛГОРИТМОВ И АППАРАТНО-ПРОГРАММНОГО
КОМПЛЕКСА КЛАССИФИКАЦИИ БИОСИГНАЛОВ ДВИЖЕНИЙ
РУКИ**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,
комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2021

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в последние годы становится все больше научных работ, посвященных разработке аппаратно-программных средств совершенствования цифровой обработке медицинских сигналов, классификации сигналов на основе параметров и их реализации. Основной причиной этого является использование биосигналов организма человека при реабилитации пациентов с двигательными дисфункциями. В настоящее время методы и устройства реабилитации на основе биосигналов позволяют с высокой точностью осуществлять анализ состояния больных в режиме реального времени. Важнейшими задачами в этом направлении являются обработка биосигналов в режиме реального времени, извлечение из сигнала необходимых параметров и интеграция результатов с соответствующими устройствами. В этой связи, в развитых странах в данной области динамично развивается разработка новых методов, алгоритмов, устройств, в частности, в таких странах как Италия, Швеция, США, Великобритания, Япония, Китай, Португалия, Российская Федерация ведется большая работа в сфере реабилитации двигательной системы человека посредством классификации движений.

В мире ведутся научные изыскания по содействию реабилитации двигательных функций людей, разработке современных качественных устройств реабилитации, что позволяет вернуть к привычной жизни ампутантов, инвалидов, а также людей с частичным или полным нарушением двигательных функций. Классификация движений на основе сигналов электромиографии позволила создать ментально управляемые протезы, которые могут заменить органы движения ампутантов. Таким образом, актуальными научно-прикладными проблемами являются вопросы обработки сигнала электромиографии, оценки двигательных функций человека, алгоритм определения границы активности сигнала электромиографии, алгоритм автоматической учебной выборки сигнала электромиографии в режиме реального времени, разработки алгоритмов классификации движений руки в режиме реального времени на основе методов машинного обучения, а также разработки аппаратно-программных средств на их основе.

В Республике особое внимание уделяется улучшению качества реабилитации на основе информационно-коммуникационных технологий, создания средств цифровой обработки биосигналов, совершенствования средств классификации движения рук. В Стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям в 2017-2021 годах определены такие задачи как «...обеспечение обязательных социальных гарантий населению, усиление социальной защиты уязвимых слоев населения и государственной поддержки пожилым людям и лицам с ограниченными возможностями, улучшение социального обслуживания, ... внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику,

социальную сферу, системы управления»². Одним из важных вопросов при реализации данных задач в сфере реабилитации является, в частности, сокращение продолжительности лечения на основе реабилитации пациентов с инвалидностью с применением современных методов и аппаратно-программных средств.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит осуществлению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 30 июня 2017 года №УП-5099 «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в республике», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 2 августа 2018 года №ПП-3894 «О мерах по внедрению инновационной модели управления здравоохранением в Республике Узбекистан», Законом Республики Узбекистан от 15 октября 2020 года №ЗРУ-641 «О правах лиц с инвалидностью», по содействию социальной адаптации инвалидов посредством разработки средств, способствующих реабилитации, или устройств, компенсирующих частично или полностью потерянные функции конечностей ампутантов, а также другими нормативно-правовыми документами, касающимися данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. A.Phinyomark, D.Farina, H.Zhang, J.Taylor, M.Ferrari, M.Oskoei, P.Phukpattaranont, R.Khushaba, B.Hudgins, H.Silva, G.Tsenov, A.Gydikov, O.C.Сушкова, Д.А.Краснобаев, Д.Р.Сафин, Г.В.Дмитров, Д.А.Аббасова проводили научные исследования, посвященные классификации движений рук на основе сигналов ЭМГ, разработке множеств данных, аппаратно-программных комплексов, анализу параметров сигналов, разработке алгоритмов анализа данных сигнала.

В нашей Республике ряд отечественных ученых вели научные исследования и внесли свой вклад в развитие данной сферы, в частности, М.М.Камилов вел изыскания по разработке алгоритмов распознавания в области интеллектуальной обработки данных, в работах Ш.Х.Фозилова рассматривались алгоритмы определения и выбора признаков, М.М.Мусаев осветил вопросы распознавания речевых сигналов, Х.Н.Зайнидинов вел изыскания в области обработки медицинских сигналов и изображений.

В результате изучения и анализа литературы выявлено, что в недостаточной мере изучены вопросы разработки аппаратно-программного комплекса определения параметров сигнала, обеспечивающих высокую

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

точность при классификации, алгоритмов классификации движений рук на основе сигналов электромиографии.

